


# Шарқ юлдузи

**Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал**

*Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи*

**12. 1983**

*52-йил чиқиши*

*Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти*

www.ziyouz.com kutubxonasi

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович РАШИДОВ 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

# ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, Ўзбекистонда партия ва совет қурилишининг атоқли ташкилотчиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумнинг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович РАШИДОВ 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этганлигини республика коммунистларига, барча меҳнаткашларига чуқур қайғу билан маълум қиладилар.**

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Санжар Содиқ

# ЁШЛАР ҚИССАЧИЛИГИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Ҳозирги ўзбек қиссачилиги дадил одимлар-ла шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бу ривожланиш фақат мазкур жанрда ниҳоятда кўп асар яратилаётганлиги билангина эмас, балки унинг анча муваффақиятли, савияси баланд намуналари вужудга келганлиги билан белгиланади. Сўнгги йиллар ўзбек қиссачилиги тараққиётига, айниқса, ёш ёзувчилар сезиларли ҳисса қўшмоқдалар. Ундай ёзувчилар орасида Тоҳир Малик, Ҳайриддин Султонов, Мурод Муҳаммад Дўст, Нурали Қобул, Эркин Аъзамов, Мамадали Маҳмудов ва Алишер Ибодиновнинг қиссалари китобхонлар орасида анча илиқ таассурот қолдирмоқда.

Ҳозирги ёшлар қиссачилигида ҳаётнинг, инсон тафаккури ва қалбининг кўплаб томонлари, қатламлари қаламга олинмоқда. Жумладан, уларда мураккаб тарихий мавзулар ҳам, Октябрдан аввалги ўтмишнинг ранг-баранг манзаралари ҳам, тарихий-революцион тематика ҳам ёритилмоқда. Шунингдек, мазкур қиссаларда мамлакатни колхозлаштириш ва Улуғ Ватан уруши йилларининг унутилмас воқеалари ҳам, замонавий ҳаёт проблемалари ҳам, маънавий-ахлоқий муаммолар-у, адабиётнинг мангу мавзулари ҳам ўзига хос йўсинда талқин этилмоқда. Мазкур ранг-баранг ҳаётий материални бадиий гавдалантиришда ёш қаламкашлар изчил реалистик услуб воситаларидан ҳам, лиро-романтик бўёқлардан ҳам, рамзий деталлардан ҳам, афсонавий ривоятлардан ҳам, янги-янги композицион приёмлардан ҳам унумли фойдаланмоқдалар. Хуллас, ҳозирги ёшлар қиссачилиги тараққиётининг жараёнлари, тенденциялари, хусусиятлари ғоятда кўп бўлиб, уларнинг барчасини бир мақола доирасида қамраб олиш жуда мушкулдир. Шунга кўра мазкур мақолада ўша жараёнларнинг бири, яъни ҳозирги ёш қиссанавислар ижодида жаҳонга машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов бадиий оламининг таъсири борган сари кучлироқ сезилаётганлиги тўғрисидагина фикр юритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Бу муҳим тенденция, айниқса, Тоҳир Малик, Ҳайриддин Султонов, Мурод Муҳаммад Дўст, Нурали Қобул ва Чори Еқубов қиссаларида яққол кўзга ташланади. Чингиз Айтматов анъаналари бу ёзувчиларнинг қиссаларида ҳаётий материал танлашда ҳам, инсон характерини гавдалантиришда ҳам, композицион ва тасвирий воситалар сайлашда ҳам ҳар хил кўринишда, миқёсда, турли даражада намоён бўлмоқда. Чингиз Айтматов оламидан таъсирланиш айрим ёзувчилар ижодида анча жиддий самараларга олиб келган бўлса, баъзи қаламкашлар асарларида эргашиш шаклида, яна бошқа адиблар қиссаларида эса тақлидчилик кўринишида юзага чиқмоқда.

Аввало, Чингиз Айтматов ижодининг таъсири ҳозирги ўзбек адабиёти ва, хусусан, қиссачилигининг гуманистик моҳияти чуқурлашиб бораётганлигида кўринади. Маълумки, узоқ йиллар мобайнида адабиётимиз гуманизмининг моҳияти меҳнаткаш инсон учун кураш тарзида талқин этиб келинар эди. Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи ҳозирги гуманизмнинг моҳияти тўғрисидаги тушунчамизни, тасаввуримизни анча кенгайтирди, бойитди ва теранлаштирди. Муаллиф романга ёзган муқаддимасида асарининг ғоявий йўналишини, гуманистик моҳиятини изоҳлаб: «Биз одамни ва оламни бутун гўзаллиги ҳамда мукаммаллиги билан сақлаб қолиш учун курашишимиз керак», — деган эди. Ўзининг мана шу эзгу гуманистик қарашини юзага чиқариш учун истеъдодли санъаткор романда она-заминнинг долзарб масалалари билан коинот проблемаларини, бугунги кишилар турмуши манзаралари билан ўтмиш халқ афсоналарини, Октябрдан кейинги жамиятимиз тарихи саҳифалари билан оддий одамлар қалбининг жараёнларини ўзаро чатиштириб юборган ҳолда жонлантиради.

Маълум маънода шундай тасвирга интилиш Тоҳир Маликнинг «Чорраҳада қолган одамлар» қиссасида кўзга ташланади. Ўзбек реалистик фантастикасининг жиддий намунаси сифатида туғилган бу қиссада ҳам номаълум сайёра проблемалари билан онаеримизнинг тарихий воқеалари, ўзга планета вакили билан ватанимиз кишиларининг ҳаёти, руҳий жараёнлари ўзаро боғлиқликда, қиёсий тарзда кўрсатилади. Қиссадаги Танг планетаси вакиллари сайёраларини йўқотиб юбориш имкониятларини топганликларидан, руҳан ўта совуқ мавжудотга айланиб қолганликларидан келажак олдида умидсиз. Ўша планетадан келган Рҳақ кўз ўнгида эса заминимизнинг бир қисмидаги кишилар янги ҳаёт, порлоқ истиқбол яратаётганлари билан масрур яшаши намоён бўлади. Шу тариқа икки планета ҳаётини муқояса қилган ҳолда ёзувчи оламни ва одамзодни сақлаб қолиш, кишилар бахти учун кураш ғоясини илгари суради. Асардаги икки сайёра вакиллари ҳаётининг, тақдирининг ва характерининг қиёсий тасвири ҳам мана шу ғоявий мақсадни юзага чиқаришга хизмат қилади. Қиссада Сабоҳиддин характери энг муваффақиятли чиққан бўлиб, унинг воситасида ёзувчи революциядан аввалги ҳаёт даҳшатларини, жаҳолатни, инқилоб йилларидаги шиддатли курашларни босмачиларга қарши жангларни ниҳоятда жонли ва таъсирчан ҳолда гавдалантирган. Мана шу тарихий курашлар жараёнида тўғри йўлни топа билмаган Сабоҳиддин оқибатда фожиага, бахтсизликка йўлиқади. Унинг бутун ҳаёт йўли, ачинарли қисмати


www.ziyouz.com kutubxonasi

чорраҳаларда тентираши, аянчли изтироблари — буларнинг ҳаммаси Рҳақ кўз ўнгида содир бўлади. Худди шунингдек, Рҳақ жамиятда юксакликларга интилаётган, кашфиётлар яратаётган Дилмурод ва коллектив турмуш бунёд этаётган кишилар ҳаётининг ҳам гувоҳи. Уларни Сабоҳиддин билан таққослаган ҳолда Рҳақ «чорраҳа»да тўғри йўлни топади ва ўз сайёрасига қайтмасликка қарор қилади, яъни бахтини ер куррасида ҳамда унинг кишилари орасида топади. Демак, ёзувчи қиёсий тасвир воситасида ҳаётда тўғри йўлни танлай олган одам бахтли бўлиши ҳақидаги ғояни илгари суради. Бу ғоя мукаммал ва жуда таъсирчан ифодаланишига қиссадаги айрим камчиликлар бирмунча ҳалақит берган. Чунончи, замин воқеалари, Сабоҳиддин билан боғлиқ сюжет чизиғи ғоятда қизиқарли, таъсирчан ва эсда қоладиган даражада чиққан бўлса, ўзга планета тасвири бир оз мавҳум, зерикарлидек туюлади. Бунинг устига ўзга сайёра манзаралари тасвири аҳён-аҳёнда Тоҳир Маликнинг «Сомон йўли элчилари» қиссасидаги тафсилотларни эслатиб қўяди. Рҳақ характери талқинида қисман мантиқ бузилган. Жумладан, у асар бошларида Сабоҳиддин онгига, қалбига, руҳига таъсир кўрсата оладигандек ва, умуман, кишиларни бошқариш хусусияти бордек туюлади. Қисса охирларида эса ундаги бу имконият сезилмай қолади.

Чингиз Айтматов «Асрга татигулик кун» романига ёзган муқаддимасида ўз ижодида илгарилари ҳам шахсга сиғиниш ва унинг ҳаётдаги оқибатлари масаласини кўп марта қаламга олганини, мазкур асарида эса уни янада теранроқ ёритишга интилганини айтади. Бу ғоявий мақсадини адиб романда, асосан, Абутолиб образи орқали рўёбга чиқаради. Абутолиб 50-йиллар бошида арзимаган баҳона ва туҳматлар оқибатида даҳшатли фожиага учраган, фарзандларидан жудолик дардини кўтаролмай ҳалок бўлган шахсдир. Унинг фожиаси ўша вақтлардаги инсонга ишончсизликнинг китобхонни ларзага соладиган оқибати сифатида намоён бўлади. Худди шунга ўхшаш фожиавий оқибатлар ёш ёзувчи Хайриддин Султоновнинг «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссаси марказида туради. Фожиалар мужассами сифатида қиссада Адаш Карвоннинг машаққатга тўла ҳаёти, қайғули тақдири, аччиқ қисмати ва оиласининг инқирози жонлантирилади. Қисса деярли бошидан охиригача фожиавий воқеалар тасвиридан иборат. Улар жумласига Адаш Карвоннинг ёлғизлиги, Ойнисанинг ўлими, Насиббекнинг ҳалокати, Саттор ва Гулнорларнинг бахтсизлиги сингари тафсилотларни киритиш мумкин. Бундай мусибатли ҳодисалар хусусида айрим танқидчилар: «Изтироблар моҳияти нимада?» — деган қонуний савол қўйдилар.[1] Тўғри, Ҳайриддин Султонов асарда ўз тилида ёки қаҳрамонлар нутқида бундай саволга сўз билан аниқ жавоб бермайди. Бу ҳодиса шу билан белгиланадики, Ҳайриддин Султонов деярли бутун ижодида, кўпчилик қикояларида ва, хусусан, «Саодат соҳили» асарида чинакам образли кўрсатиш принципига изчил амал қилади ҳамда шунга кўра ўз ғояларини, фикрларини муаллиф ёки персонаж тилидан баён қилмайди. Хусусан, «Саодат соҳили» асарида Бобоқул деган кимсанинг бир вақтлар Бобур билан ўз юртидан кетганлиги, энди эса ўзга ўлка бозорларида жинни бўлиб, қўшиқ айтиб юрганлиги кўрсатилади. Уни қидириб сафарга чиққан ўғли — Биноқул эса йўлда ҳалок бўлади. Бу воқеага бошқа ҳеч бир изоҳ берилмайди, унинг моҳияти сўз билан таърифланиб, китобхонга декларация шаклида етказилмайди. Образли кўрсатилган мазкур воқеа устида жиддий ўйлаб кўргандагина, китобхон унинг воситасида Бобурнинг ўз юртидан кетиши фақат ўзи учунгина эмас, балки бошқа кўплаб кишилар учун ҳам даҳшатли қисмат бўлганлиги тўғрисидаги ғоя ифодалаганлигини англаб етади. Ҳайриддин Султоновнинг катта истеъдод соҳиби эканлигидан далолат берадиган бундай образли тасвир, афсуски, ҳозир яратилаётган кўп асарларимизда етишмаяпти. Бунинг натижасида адабиётимизда баённчилик, декларативлик, мантиқсизлик, кўпсўзлилик, ҳашамдорлик иллатлари барҳам топмаяпти.

«Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссасида ҳам изчил образли кўрсатиш принципи сақланганлиги сабабли ундаги фожиалар моҳиятини, муаллифнинг ғоявий мақсадини аниқ англаб олмоқ учун асардаги воқеалар кишилар, тақдирлар устида жиддийроқ ва чуқурроқ ўйлаб кўриш зарур бўлади. Шундай қилинганда, қиссадаги деярли барча фожиаларнинг, изтиробларнинг моҳияти шахсга сиғинишнинг салбий оқибатлари билан белгиланиши аён бўлади. Жумладан, ўша оқибатлар туфайли Адаш Карвон туҳматга учраб, йигирма йилга қамалиб кетади. Бу биринчи фожиа ҳисобланади ва, ўз навбатида, у иккинчисини келтириб чиқаради: юксак садоқат тимсоли бўлган Ойниса Адаш Карвонни кутиб, йигирма йил давомида ўзини ёлғизликка маҳкум этади. Шу тариқа уларнинг тўйлари йигирма йилга кечикканлиги туфайли фақат битта фарзанд кўрадилар. Ёлғиз ўғил — Насиббекнинг ўлими эса учинчи оғир фожиа саналади. Агар Адаш Карвон билан Ойнисанинг бошқа фарзандлари бўлганда, балки Насиббекнинг ҳалокати бу қадар даҳшатли фожиа даражасига кўтарилмаган бўлармиди? Насиббекнинг ҳалокати оқибатида унинг севгилиси — Гулнор ўзи истамаган йигит билан ноилож турмуш қуради ва бир умр руҳий азобга дучор бўлади. Насиббекнинг ҳалокатидан бахт излаган Саттор эса ҳадсиз-ҳудудсиз изтироблар гирдобига ғарқ бўлади. Гулнор, Саттор ва Насиббекларнинг аччиқ қисмати асардаги тўртинчи жиддий фожиа бўлиб, ёзувчи унинг воситасида бир вақтлар жамиятимизда юз берган кўнгилсиз ҳодиса ўзидан анча кейин ҳам узоқ пайтларгача кишилар ҳаётида мусибатли излар қолдириб кетганлиги ҳақидаги ғояни ифодалайди. Демак, қиссадаги фожиалар, изтироблар асосида, моҳиятида худди шу ғоя ётади.

Ўзининг мана шу ғоявий мақсадини ифодалашда қисса муаллифи Чингиз Айтматов романидагига яқин услубдан фойдаланади. Маълумки, «Асрга татигулик кун» романида Абутолиб қисмати ва у билан боғлиқ воқеалар тасвирида муайян маъюслик,

[1]. У. Норматов. Изтироблар моҳияти нимада «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил, 10 июнь.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳазинлик мавжуд. Хусусан, Абутолибнинг ноҳақ айбланиши, ишдан қувилиши, гўдаклари кўз ўнгида қамоққа олиб кетилиши ва ўлими ҳақидаги хабар ёйилиши воқеалари тасвирида бу ҳазинлик жуда аниқ сезилади ҳамда китобхон уларни йиғлаб идрок этади. «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссасининг деярли бошидан-охиригача худди шунга ўхшаш ҳазин руҳ мавжуд бўлиб, у асардаги фожиалар моҳиятини очишга мос келади.

Роман ва қисса муаллифлари услубидаги яқинлик маълум даражада уларнинг ўрни билан халқ афсоналарига мурожаат қилишларида ҳам кўринади. Чингиз Айтматов «Асрга татигулик кун» романида икки халқ афсонасини асар тўқимасига маҳорат билан сингдириб юбориб, ўз ғоявий мақсадини таъсирчан очишга эришади. Агар у «Она байт» ҳақидаги афсона воситасида ўтмишда меҳнаткаш халқнинг нақадар эзилганлигини унутилмас даражада эмоционал кўрсатган бўлса, Раймулла ва Бегимой тўғрисидаги ривоят орқали инсон муҳаббатининг қудратини улуғлайди. Ҳайриддин Султонов эса афсоналардан романдагичалик унумли, ўринли ва кўламли фойдаланмаган бўлса-да, қиссада, ҳар қалай, шу анъанага суяниб, баъзи ривоятларга мурожаат қилган. Хусусан, у асарида кишилар орасидаги садоқат тўғрисидаги қарашларини, ғояларини таъсирчан ифодалаш мақсадида Искандар Зулқарнайн ва унинг лашкарбоши Киоксар тўғрисидаги ривоятни келтиради.

Албатта, ёзувчи ўз ғоясини изчил образли кўрсатиш воситасида ифодалаган бўлса-да, тасвирлаган воқеаларининг, илгари сурган фикрларининг, қарашларининг барчасига тўла-тўкис ишонтирган, дейиш анча қийин. Бунинг сабаби қиссанинг баъзи заиф томонлари билан изоҳланади. Жумладан, Сатторнинг одам ўлдириш даражасига келиши психологик жиҳатдан етарли тайёрланмаган, асосланмаган. Унинг Насиббекни отиши воқеаси милтиқ тилидан сўзлатилиши, танқидчи Умарали Норматов тўғри кўрсатганидек, анча ғайритабиий чиққан. Ўша машъум воқеа Сатторнинг хотирасида жонлантирилганда, анча ҳаётийроқ чиққан бўлармиди. Бундан ташқари, Адаш Карвоннинг йигирма йилга қамалишини асослаш учун яна қўшимча жиддийроқ сабаблар келтириш зарурроқ кўринади. Худди шунингдек, Ойнисанинг уни йигирма йил кутишига қатъий ишонтириш учун ҳам қўшимча далиллар керакка ўхшайди. Асарнинг ҳозирги ҳолида китобхон қизболанинг севгилисини йигирма йил кутишига, умуман, ишониши қийинлигидан қатъи назар, «наҳотки, Ойниса оғир уруш йилларида, ундан кейинги моддий танқисликлар пайтида ҳам, атрофидаги Шамсиддиновга ўхшаш кишилар садоқатига раҳна солмоқчи бўлган чоғларида ҳам ёлғизликни тарк этмаса?», деган саволга аниқ жавоб тополмай қийналади. Худди шунингдек, Насиббек билан Гулнор орасидаги муҳаббат тарихи ҳам китобхон кўз ўнгида бирмунча қоронғи бўлиб қолган. Бу севги тарихи янада эсда қоладиган тафсилотлар, ҳаяжонли лавҳалар билан бойитилганда, ёзувчининг уни тасвирлашдан кўзга тутган ғоявий мақсади ёркинроқ юзага чиққан бўларди.

Чингиз Айтматов эстетик оламининг, гўзал ижодининг баракали таъсири ҳозирги ёш ўзбек ёзувчилари қиссаларининг композициясида ҳам яққол кўринмоқда. Бунга иқрор бўлмоқ учун Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепага қайтиш» қиссасини эслаш ва «Асрга татигулик кун» романи билан қиёслаш кифоя. Маълумки, роман бир қариянинг ўлими ҳақидаги хабар билан бошланади. Узоқ қабристонгача босиб ўтилган йўл ва дафн маросими тасвири асарнинг охиригача давом этади. Дафн маросимига темир йўл ишчиси Едигей бошчилик қилади. Бутун йўл ва дафн маросими давомида ёзувчи Едигейнинг ҳаёт сарҳадларига чекинишлар қилади, унинг хотирасида, хаёлида турли-туман воқеаларни, кишиларни, афсоналарни жонлантиради. Бу чекинишлар, воқеалар ва афсоналар қозоқ халқининг ўтмишига, урф-одатларига, ҳис-туйғуларига, даврнинг тарихий ҳодисаларига, ҳатто бутун инсониятни ҳаяжонлантираётган, ташвишга солаётган муаммоларга бориб боғланади. «Галатепага қайтиш» қиссасида ҳам кўтарилган асосий масалаларни талқин этишга хизмат қилувчи восита сифатида Райим оқсоқолни дафн этиш билан боғлиқ воқеалар олинади. Дафн маросимига Тошкентдан марҳумнинг фарзанди, исломшунос олим Ғайбаров етиб келади. Қисса давомида муаллиф Ғайбаровнинг болалик ва ўсмирлик йилларига, студентлик чоғларига чекинишлар қилади. Шу билан бирга, кўп воқеалар, кишилараро муносабатлар, турли ҳаётий масалалар, қишлоғи, шаҳар муаммолари устидаги ўйлар қаҳрамоннинг хаёли, қалби, хотираси призмасида жонлантирилади. Дафн маросимига борганда, Ғайбаровнинг Галатепадаги турли хилдаги кишилар ва оила аъзолари билан учрашувлари, суҳбатлари ҳам қишлоқдаги кўплаб аҳлоқий маънавий масалаларни кўтаришга хизмат қилган. Албатта, қиссада масалалар ва проблемалар анча кўп бўлса-да, Чингиз Айтматов романидагичалик миқёсли, маҳобатли ва глобал эмас. Шундай бўлса-да, улар республикамиз ҳаётининг, маҳаллий шароитимизнинг кўплаб муҳим томонларига келиб боғланади ва турмушдаги анчагина иллатларни англаб олишимизга ёрдам беради. Чунончи, ёзувчи Ғайбаров тимсолида кўплаб инсоний фазилатларни, хусусан, кашфиётлар сари интилиш, маънавий юксакликни самимийлик, шу билан бир вақтда ўта соддалик сингари сифатларни рўёбга чиқарадиган Самад образи воситасида эса қиссада мунофиқлик, аҳлоқий тубанлик каби қусурларни драматик лавҳаларда фош этилади. Асардаги Шоир, кўзидан ажраган альпинист, рассом Абдували сингари персонажлар ҳам бизга турли характердаги кишиларни эслатади ва ҳаётимизнинг кўп қирралари, нурли томонлари-ю, иллатлари ҳақида ўйлаб кўришга ундайди.

Шуларга қарамай, қиссада кўтарилган ҳаддан зиёд кўп масалаларни узвийлаштириб, яхлитлаштириб турадиган асосий проблемаларни англаб олиш анча қийинга ўхшайди. Тўғри, Ғайбаров образи қиссадаги кўп персонажларни, муаммоларни қисман ўзаро боғлагандек туюлади, лекин, шунга қарамай, муайян шахс тўғрисида бирон бобни тушириб ўқилса ҳам, асарнинг қийматига катта путур етмайдиганда



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўринади. Бунинг сабаби шундаки, қисса композицияси, «Асрга татигулик кун» асарининг қурилишига бирмунча яқин бўлса-да, романники даражасида мукаммал чиқмаган. «Галатепага қайтиш»да чекинишлар, хотиралар, ўйлар шу қадар кўпки, китобхон уни қандай кетма-кетликда тасаввур қилишни, ўзаро боғлашни билмай қолади. Бу хотира, чекинишлар ва персонажлар орасида қандайдир боғлиқлик борга ўхшайди. Бироқ оддий китобхон гўё уларнинг лабиринтига тушиб қолиб, ўша боғланишни топишга қийналади. Хотиралар ва чекинишлар орасида хронологик ҳамда мантиқий боғланишнинг заифлиги қисса композициясида номукаммаллик келтириб чиқарган. Уни туғдирган сабаблардан яна бири шундаки, баъзи персонажларнинг қиссага нима мақсадда киритилганлигини англаб етиш қийин. Бунинг мисоли сифатида Галатепадаги Мурод амакини эслаш мумкин. Руҳий касалликка учраган бу одам қишлоқда дуч келган кишидан бир сўм сўрайди, ҳар хил таққир, ачиниш, масхаралаш орасида яшайди. Қишлоқда унга Ғайбаров ҳам дуч келади ва қалбидан ҳазин туйғулар кечади. Агар шу таҳлитда Ғайбаров йўлида учраган кишиларни кўрсатиб кетилаверса, асарни истаганча чўзиш мумкин бўларди-ку? Асарнинг ҳозирги ҳолида Мурод амаки образи жиддий мақсадга хизмат қилмайди. Гўё ёзувчи унинг воситасида: «Ҳаётда шундай кишилар ҳам бор ва уларга эътибор бериш керак», демоқчидек кўринади.

Бундан ташқари, қиссадаги баъзи воқеаларни алоҳида олиб қаралганда, улар тасвирининг ўзида ҳам мантиқсизликлар учратиш мумкин. Ғайбаровнинг дин ҳақида ўқиган лекциясини эсланг: «Жинлар Сулаймонни одамшаванда деб ўйлашган... Одам деганимиз ақлли маҳлуқ, хомо сапиенс, бинобарин, Сулаймон одамлигига бориб шу ишни қиляптими, бунда бир ҳикмат бор...

Денгиз соҳилига тахт қўйиб, унга Сулаймонни ўтқазди, унинг ёнига саф-саф, лак-лак ва гурас-гурас қўшин — одамлар, паррандаю даррандаларни берди. Бурғу чалингач, шаккок жинларни бўйинларига чилвир солиб судраб келишди. Сулаймон имо қилгач, жинлар жимгина итоаткорлик билан кўзаларга киришди. Бирортаси миқ этмади. Хизматкорлар кўзаларнинг оғзига сўрғич суртиб, қатронга юмалатиб олишди. Сулаймон сўрғич устидан узукдаги машҳур муҳрини босди. Сўнг хизматкорлар кўзаларни бирин-кетин денгизга улоқтиришди.

— Девлар жинларга нисбатан дадилроқ, — дея давом этди Ғайбаров. — Улар анча бадфеъл, урушқоқ. Гўё бу дунёда уларнинг биргина мақсади бор — ўзларига ажал ахтариш. Жонларини, сизу биз тишнинг кавагида асрайдиган азизу лазиз жонни галварс девлар аллақандай искабтопар чивиннинг кетига тиқишади, чивинни чумчуқнинг кетига, чумчуқни темир сандиққа... Сўнг бу сандиқни қулфлаб, калити билан қўшиб денгизга ташлайдилар ёки бирон қари эманнинг ёриғига бекитадилар. Ўзлари эса парвойифалак, дуч келган хоннинг қизини ўғирлайдилар...»

Умуман, исломшунослик бўйича фан кандидати бўлган олимнинг бу қадар мужмал, қўпол, тартибсиз, узуқ-юлуқ лекция ўқишига ишониш жуда қийин. Иккинчидан, ўз илмий раҳбари, билимли кишилар олдида Ғайбаровнинг кимга ва нима тўғрисида лекция ўқиётганини билмаган одамдек иш тутиши, афсоналардан четга чиқмаслиги ғоятда ғайритабиий кўринади.

Демак, Мурод Муҳаммад Дўст «Галатепага қайтиш» қиссаси композициясини ишлашда Чингиз Айтматов изидан борган бўлса-да, бадиий маҳоратнинг етишмаслиги туфайли унинг романидаги каби мукаммалликка, муваффақиятга эриша олмаган.

Чингиз Айтматов ижодига хос муҳим хусусиятлардан бири шундаки, у ўзининг кўплаб асарларида коммунистларнинг мураккаб образларини яратишга интилади. «Биринчи ўқитувчи», «Алвидо, Гулсари!» «Асрга татигулик кун» асарларидаги В. И. Ленин партияси кишилари образи шу интилишнинг энг яхши самаралари ҳисобланади. Ҳозирги ёш ўзбек қиссанавислари асарларида Чингиз Айтматов ижодидаги бу нурли анъана ҳам давом эттирилмоқда. Ёзувчи Нурали Қобулнинг «Яшаш учун кечикма», Чори Еқубовнинг «Эски раис» қиссалари худди шундан гувоҳлик беради. Тўлақонли коммунистлар образини яратиш фақат Чингиз Айтматов ижодининг эмас, балки бутун совет адабиётининг муҳим ва самарадор анъаналаридан бўлганлиги сабабли у ҳозир ёшлар қиссачилигида қандай натижаларга олиб келаётганлигини аниқлаш учун Чори Еқубовнинг «Эски раис» асарини муфассалроқ таҳлил қилиб кўрамиз.

Муаллифнинг бош мақсади даврининг ижобий қаҳрамони — чинакам коммунист образи яратишдир. Бундай қаҳрамон сифатида қўнғиротлар орасида тузилган колхознинг биринчи раиси Али Ёров намоён бўлади. Тўғри, асарнинг ҳеч қаерида Али Ёровнинг коммунист эканлиги очиқ айтилмайди, лекин бу қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларидан, доим райком билан алоқадалигидан, ҳамма муҳим тадбирларини район партия комитетининг секретари билан келишиб амалга оширишидан, сўзлари-ю, хаёлларидан унинг Ленин партияси аъзоси эканлиги аниқ-равшан пайқалади. Асар бошида биз уни раисликдан пенсияга кузатилиб, уйига хаёл суриб қайтаётган ҳолда учратамиз. Қаҳрамон хаёлида гўё бутун ўтмиши, босиб ўтган йўли, фаолияти ва онгли умри жонлангандек бўлади. Ёзувчи буларнинг ҳаммасини бевосита Али Ёров тилидан унинг хаёллари шаклида жонлантирмайди. Али Ёровнинг хаёлларига, хотираларига таянган ҳолда қаҳрамон ҳаётидаги, фаолиятидаги асосий босқичларни, лавҳаларни, воқеаларни муаллифнинг ўзи ҳикоя қилади. Маълумки, инсон хаёлида унинг ўтмиши, кўпинча, бошидан-охиригача узлуксиз тарзда жонланмайди, балки унинг айрим ҳаяжонли онлари, драматик моментлари, ўчмас саҳифалари гоҳ тартибли, гоҳ узуқ-юлуқ ҳолда қайта гавдаланади. Шундан келиб чиқиб, Чори Еқубов раиснинг бутун босиб ўтган йўлини эмас, балки алоҳида диққатга сазовор нуқталарини, унутилмас ўринларинигина кичик-кичик лавҳалар ва манзараларда қамраб олади. Улар қаҳрамон характерининг моҳиятини, асосий фазилатларини, инсоний қиёфасини тасаввур қилишимиз учун етарли



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳисобланади. Чунончи, асардаги биринчи манзарада қиссадаги персонажлардан Худойқул кўзи билан Али Ёровнинг қуйидаги портрети жонлантирилади: «Худойқул букри Алининг тик қоматига, қип-қизил, чертса қон томадиган юзларига, ярашиб тушган, тимқора мўйловига ва, ниҳоят, остида ўйноқлаб турган жийрон тулпорига бир зум ҳасад ва ҳавас билан тикилди».

Демак, бу тасвирдан биз Али Ёровнинг ташқи қиёфасини кўз олдимизга келтирамиз, лекин ҳали унинг қандай одам эканлигини, қанақа раислигини билмаймиз. Манзаранинг давоми бизга шулар ҳақида тасаввур бера бошлайди. Манзарадан аён бўлишича, Худойқулнинг қаровсизлиги оқибатида янги туғилган бир қўзи ҳалок бўлган эди. Аввал Худойқулга салом бериб келган раис буни кўриб бутунлай ўзгаради ва бақира бошлайди: «Сени ким айтади чорвадор деб... Ҳа, бу ўзингники эмас-да, колхозники. Колхозники қаровсиз ўлса ҳам майли. Ўзингники бўлганда туққунча орқасидан кўз узмай, қўй ихранса, бир чўчиб тушардинг». Раис шундай деб, Худойқулни чорвадан далага ишга чиқаради ва бир кўзисини колхоз ихтиёрига олади. Али Ёровнинг мана шу сўзларидан ва хатти-ҳаракатларидан унинг ижтимоий бойликни, халқ мулкини ҳамма нарсадан муқаддас деб билиши, социалистик тузумга, коллектив ҳаётга садоқати яққол аён бўлади. Бундай хусусиятлари Али Ёров характерининг асарга, асосан, шаклланган ҳолда кириб келганлигидан далолат беради. Ёзувчи кейинги лавҳа ва манзараларда қаҳрамон характерининг янги-янги қирраларини очишда давом этади. Жумладан, навбатдаги бир манзарада Ёровнинг жамият мулкига садоқатли кишигина эмас, балки унга бефарқ қаровчиларга, уни совурувчиларга ўта муросасиз эканлиги юзага чиқади. Жуда таъсирли бўлгани учун бу манзарани қайта ўқиб чиқайлик:

«Ўша... ўша отинг ўчгур Худойқул букри чалқанча ётиб овозининг борича қўшиқ айтар, ҳўкизлар эса пишиллаб сомон аралаш буғдойни туширарди.

— Жувонмарг бўл! — деди раис отнинг устида унга ўдағайлаб келиб, бўйнинг узилиб ўлгур! — деди бақириб. — Бу кунингдан ўлганинг яхши эмасми?!

Худойқул букри қўрққанидан таёқ бўлиб қотиб қолди. Ранглари қордек оқариб кетди. Нима қиларини билмай силласи қуриб тураркан, елкаси жиз этди. Али Ёров жаҳлини босолмай унинг елкасига қамчини билан тортиб юборди».

Али Ёровнинг мазкур манзарада ярақлаб кўринган фазилати, яъни социалистик жамият, колхоз мулкига коммунистик муносабати бир қанча жонли лавҳаларда қайта-қайта таъкидланиб, бойитилиб, тўлдирилиб намоён қилинади. Хусусан, Ҳудойқулнинг уруш даврида ғалла ўғирлаши фош қилиниши, буғдой ташиш вақтида болаларга ноўрин улашилган доннинг омборга тўктирилиши, бир тожикдан колхоз учун от сотиб олиниши воқеалари худди шу мақсадга хизмат қилади.

Асарда Али Ёров фақат халқ мулкини кўз қорачиғидай асровчи шахс сифатидагина эмас, балки жамият бойлигига бойлик қўшишга интилувчи ва шу йўлда тинмай фаолият кўрсатадиган, курашадиган қаҳрамон қиёфасида ҳам ҳурматимизни қозонади. Унинг бу хусусиятлари уруш йиллари Боботоғнинг илонлар учиб юрадиган ерларини ўзлаштириб, фронт учун буғдой етиштиришида, қолоқ колхозларни оёққа турғазишида, урушдан кейин тўқай ўрнида пахтазор яратишида яққол кўзга ташланади.

Али Ёровнинг шундай хусусиятларини юзага чиқарувчи воқеалар билан танишган китобхон, даставвал: «Наҳотки, бу қаҳрамон фақат ижтимоий бурчни жуда яхши англагани ва уни адо этиш учун курашгани ҳолда бошқа инсоний ҳислатлардан маҳрум бўлса?» — деб ўйлайди. Аммо ёзувчи бундай тасаввур қолишига имкон бермайди, балки яна қатор манзаралар чизадики, уларда Али Ёровнинг заифликлари ҳам, нозик интим туйғулари ҳам, ўткинчи хаёллари ҳам қалқиб юзага чиқади. Чунончи, фронтга отини топшириш манзараси билан танишар экан, китобхон Али Ёровнинг кўзларида ёш кўради ва қамчисидан қон томадиган одам ҳам кези келганда йиғлаши мумкинлигини пайқайди. Али Ёровнинг ҳақиқий инсоний фазилатлари унинг Сулув билан учрашуви манзарасида, айниқса, ёркин намоён бўлади. Худойқулнинг хотини Сулув ишга чиқмаслик ҳақидаги врач справкаси билан раиснинг олдига келади. Раис берган термометрни Сулув нотўғри қўйгани учун иссиғи чиқмайди. Бундан кейинги манзара қуйидагича чизилади: «Раис термометрни олди-ю, ранги оқариб кетди. Ғазабдан қалтирар, Сулувни еб қўйгудек бўлиб тикиларди. Сулув эса, ҳеч нарсадан бехабар, бошқа томонга қараб жавоб кутиб зўрға ўтирарди.

— Қамчи!!! — деди чинқириб раис.

Идоранинг олдида турган раиснинг олти ёшли ўғли — Жўра уйга чопди. Зум ўтмай қамчи келтирди. «Манзаранинг шу ўринларида китобхон: «Наҳотки, раис хотин кишини урар экан?» — деб ўйлайди ва воқеанинг давомини ўқишга шошилади: — Ҳали сенми мени алдайдиган?! — аччиғидан титраб кетди у ва сапчиб ўрнидан турди, Сулувнинг юзи аралаш тортиб юбормоқчи бўлиб, қамчини кўтарди.

— Раис акажон, касалман-ку, — деди инграб Сулув. Худди шу вақт унинг рўмоли тушиб, сутга чайиб олгандай юзи кўринди.

Раиснинг қўли ҳавода муаллақ қолди.»

Китобхон сўнгги сўзларни ва Ёровнинг Сулувни севиб қолиши ҳақидаги кейинги воқеаларни ўқиб, раис қанчалик бешафқат одам бўлмасин, нозик инсоний туйғулардан маҳрум эмаслигини, гўзалликни ҳис эта билишини, ҳатто аёллик нафосати олдида ўзини йўқотиб қўйишини тўлиқ англайди. Умуман, Али Ёров китобхон кўз ўнгида колхозлаштириш давридан урушдан кейинги дастлабки йилларгача бутун онгли ҳаётини социалистик жамиятни мустаҳкамлашга, равнақ топтиришга бағишлаган, курашчан, фаол, меҳнатсевар раҳбар, иродаси букилмас коммунист ва ҳақиқий инсоний фазилатлар эгаси қиёфасида гавдаланади. Унинг бу фазилатлари қиссанинг энг сўнгги эпизодида гўё жамланиб кетгандек бўлади: саводсизлиги учун пенсияга чиқарилган Али Ёров: «Пенсияга чиқарса ҳам, дала қоровули қилиб қўйди-ку... Нега одамлардан ажралиб



www.ziyouz.com kutubxonasi

қоларканман?» деб ўйлайди. Унинг бу хаёллари қаҳрамоннинг ҳаётидаги сўнгги дақиқаларгача ўзини она халқига, колхозига бағишлаганлигини, ўз заифликларини, яъни саводсизлигини ҳис қилишини яна бир карра тасдиқлайди.

Али Ёров характерининг шу каби фазилатларини очишда ёзувчи манзара ва лавҳалардан иборат сюжет чизиғидан, драматизмга бой ва таъсирчан, жонли ва образли эпизодлардан, гоҳ кескин, гоҳ заифроқ тўқнашувлардан унумли ҳамда ўринли фойдаланган. Қиссадаги образлиликни чуқурлаштиришда муаллифнинг баъзи ҳолларда шоирона ташбеҳлар топа билганлиги ва уларни ўз жойида худди янгидек қилиб ишлатганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Муаллифнинг таланти янада яхшироқ натижалар бермоғи, бадиий кашфиётлар томон бошламоғи учун қиссани ўқиш жараёнида туғилган айрим истакларни ҳам айтиб ўтиш ўринли бўлади. Фикримизча, ёзувчи ҳаммадан бурун бадиий асардаги қаҳрамонлар характерининг тўлақонли чиқишига интилмоғи зарур эди. Бундай истак туғилишининг сабаби шундаки, қиссадаги Али Ёров характери, кўплаб қирралари билан намоён бўлса-да, тўлақонли чиқмаган, чунки мазкур характернинг шаклланиш жараёни мутлақо кўрсатилмаган. Биз Али Ёровнинг колхоз мулкини жонидан ортиқ сақловчи, хўжаликлар равнақи-ю, кишилар яхши яшаши учун тинимсиз курашувчи, фаол, иродали коммунист, гоҳ шафқатсиз, гоҳ адолатли раҳбар ҳамда нозик қалбли инсон сифатида тасаввур қиламиз. Лекин унинг мазкур хислатлари қай шароитда ва қандай қилиб шаклланганлигини кўз олдимизга келтира олмаймиз. Албатта, балки кичик бир қиссада бош қаҳрамон характери шаклланишини муфассал тасвирлаш шарт эмасдир. Бундай тасвир учун балки роман ёзиш зарурдир. Шундай бўлса-да, ёш ёзувчи Али Ёров характерининг шаклланишини ихчам шаклда, айрим чекинишлар, штрихлар ёрдамида кўрсатиши мумкин эди. Буни унинг ўзи Сулувнинг ўтмиши тасвирида исботлаган. Сулувнинг ўтмиши, қандай қилиб Худойқул букрига тегиб қолганлиги мухтасар чекиниш ва штрихлар ёрдамида юзага чиқарилган. Улардан Сулувнинг отасини босмачилар ўлдириб, онасини олиб кетганлиги, кимсасиз қиз Худойқуллар хонадонида қолгани аён бўлади. Али Ёров характерининг шаклланишини ҳам шундай усулда кўрсатишга ёзувчида имкониятлар кўп эди. Худди шунингдек, Худойқулдаги салбий хусусиятларнинг қандай туғилганлиги ҳам китобхонга аён бўлмай қолган. Ахир, Худойқул туғилганидан буён жамият мулкига бефарқ, ўғри, худбин бир шахс бўлмагандир. Ундаги мазкур иллатлар бекордан-бекорга туғилмагандир...

Иккинчидан, «Эски раис» қиссасидан аён бўлишича, Чори Ёқубов келажакда бадиий ижод намунасининг сюжети ва композицияси мукаммал чиқиши, унда бирорта ҳам ортиқчалик бўлмаслиги устида жиддий ўйлаб кўриши зарур. Асарда тасвирланаётган характерлар, воқеа-ҳодисалар, манзара ёки лавҳалар ёрдамида бериладими, занжирсимон, шиддаткор сюжет воситасида жонлантириладими, бари бир, ҳамма ҳолда ҳам ҳаёт, Карл Маркс айтганидек, гўзаллик қонуниятлари асосида акс эттирилади. «Эски раис» қиссасида эса шундай гўзаллик туғилишига ҳалақит берган ўринлар, ортиқчаликлар мавжуд. Жумладан, қиссанинг иккинчи бобида қўнғиротларнинг тожиклар тўйига бориши, у ерда полвонларнинг кураш тушиши тасвирланади. Эртасига уруш бошланади. Демак, бу воқеа уруш туфайли гўзал ҳаёт, унинг шодликлари бўлинганлигини тасаввур қилишга маълум даражада имкон беради, лекин бошқа деярли ҳеч нарсага хизмат қилмайди. Гарчанд тожиклар тўйи, улар билан муносабатлар кўрсатилган экан, қисса давомида кейинроқ шуларга боғлиқ яна нимадир бўлиши керак эди. Худди шунингдек, қиссада Қурбоннинг урушдан қайтишидаги дабдабаларининг муфассал тасвири ҳам ортиқчароқ туюлади.

Учинчидан, «Эски раис» қиссасидан чиқадиган яна бир хулоса шуки, Чори Ёқубов энди ўз ижодида бадиий далиллаш масаласига жиддий эътибор билан қараши зарур экан.

Қиссада далиллашнинг заифлигини Хушвақт образи тасвирида ҳам яққол кўриш мумкин. Хушвақт жуда бақувват, полвон бўлиб, тожикларнинг манман деган Норбой полвонини йиқитади. Уруш даврида эса у колхозда бригадирлик қилади, Худойқулнинг ўғирлигини фош этишда қатнашади. Буларни ўқиган китобхонда: «Жисмоний жиҳатдан ҳеч бир нуқсони йўқ, бунинг устига полвон бўлган Хушвақт нега фронтга кетмади?» деган қонуний савол туғилади. Бу саволга жавоб бермоқ учун ёзувчи Хушвақтнинг фронтдан қолиши ва бунинг сабабларини кўрсатиши зарур эди.

Чори Ёқубов келажакда каттароқ асарлар яратганда, психологик далиллашга кўпроқ эътибор берса, жиддийроқ муваффақиятларга эришадигандек туюлади, чунки «Эски раис» қиссасида шу масала бирмунча заиф ҳал қилинган. Чунончи, қиссада биз Али Ёровнинг кўп ишларини, ҳатти-ҳаракатларини ёркин кўрамиз, лекин улар содир бўлишидан аввал ёки кейин қаҳрамон қалбида қандай жараёнлар кечганлигини, онгидан қандай ўй-фикрлар ўтганлигини яхши пайқамаймиз.

Ниҳоят, «Эски раис» қиссаси Чори Ёқубовнинг асарлари тили ва услубига сайқал, жило бериб бориши зарурлигини тақозо қилади.

Чори Ёқубов қисса аввалида асарини отаси Ёқуб Алиёр ўғлига бағишлаганини айтади. Ҳа, «Эски раис» қиссаси бутун онгли умрини жамиятимиз равнақи, халқимиз бахти учун курашга бағишлаган чинакам фидойи коммунист оталаримизга катта эҳтиром билан ёзилган асар. У ёш ёзувчиларимиз ижодида Ленин партияси кишилари образини яратишга интилиш жонланганлигини кўрсатади.



www.ziyouz.com kutubxonasi